

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Холиқова Раҳбар Эргашевна,
Тарих фанлари доктори, профессор,
И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
tdtu.uzrahbarkholikova@mail.ru

БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН

For citation: Kholikova Rahbar Ergashevna. FROM THE HISTORY OF THE CONSTRUCTION OF DISCOUNTS AND WATER STORAGE FACILITIES IN THE BUKHARA KHANATE. Look to the past. 2020, SI, pp.19-26

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро хонлигида бунёд этилган қатор архитектура иншоотлари, яъни работлар ва сардобалар тарихи ҳақида сўз боради. Работлар Марказий Осиёда архитектура иншооти сифатида араб ҳукмронлигидан сўнг пайдо бўлганлиги дастлаб улар босқинчиларнинг ҳарбий лагерлари сифатида, кейинчалик савдогарлар тўхтаб ҳордиқ чиқарадиган муҳим иншоотларга айланган. Шунингдек беъморларга ҳам хизмат кўрсатган. Сардобалар эса қарвонсарой атрофида бунёд этилиб сувни сақлаш учун мўлжалланган. Улар нафақат катта савдо йўлларида бўйида, балки қишлоқларда ҳам, катта шаҳарларда ҳам қурилган ва ичимлик суви танқислигини бартараф қилиш учун хизмат қилганлиги кўрсатиб ўтилади. Работ ва сардобалар қурилиши тарихи ҳақида рус тадқиқотчилари маҳаллий муаллифлар ва хорижлик саёҳатчилар томонидан билдирилган фикрлар таҳлил қилинади. Шунингдек, ўша давр тадқиқотчилари работлар ва сардобалар ҳақида ҳам маълумотлар берадилар.

Калит сўзлар: Бухоро хонлиги, меъморилик, иншоот, қарвонсаройлар, работлар, сардобалар, Абдуллахон, Қарши, Дарбанд, Работи Малик, Мирзачўл, Ўртачўл, Фориш, Қадимги савдо йўллари, Буюк ипак йўли, савдо алоқалари

Холикова Раҳбар Эргашевна,
доктор исторических наук, профессор,
Ташкентский государственный технический

университет имени И.Каримова
tdtu.uzrahbarkholikova@mail.ru

ИЗ ИСТОРИИ СТРОИТЕЛЬСТВА РАБАТОВ И ПОМЕЩЕНИЙ ДЛЯ ХРАНЕНИЕ ВОДЫ В БУХАРСКОМ ХАНСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются архитектурные сооружения такие как "рабат" и "сардобы", построенные в Бухарском ханстве, то есть места для отдыха людей и цистерны для хранения воды. Дело в том, что рабаты появились после арабского владычества как архитектурное сооружение в Средней Азии, первоначально они стали важными сооружениями, которые использовались как военные лагеря захватчиков, а позже для остановки и отдыха купцов, а также служили больным людям. А цистерны были построены вокруг караван-сарая и предназначены для хранения воды. Они строились не только на берегах крупных торговых дорог, но и в селах, а также в крупных городах и служили для предотвращения дефицита питьевой воды. Анализируются мнения русских исследователей, высказанные отечественными авторами и зарубежными путешественниками об истории строительства таких вышеперечисленных сооружений.

Ключевые слова: Бухарское ханство, архитектура, строительство, караван-сарай, рабаты, сардобы, Абдуллахан, Карши, Дарбанд Работи, Малик Мирзачул, Уртачул, Фариш, Древние торговые пути, Великий шелковый путь, торговые отношения

Kholikova Rahbar Ergashevna,

Tashkent State Technical University named after I.Karimov,
Professor, Doctor of Historical Sciences.
tdtu.uzuzrahbarkholikova@mail.ru

FROM THE HISTORY OF THE CONSTRUCTION OF DISCOUNTS AND WATER STORAGE FACILITIES IN THE BUKHARA KHANATE

ABSTRACT

The article discusses architectural structures such as "discount" and "Sardoba" built in the Bukhara Khanate, that is, places for people and tanks to rest for storing water. The fact that rabats appeared after the Arab rule as an architectural structure in Central Asia, initially they became important structures that were used as military camps for invaders, and later for stopping and resting merchants, as well as serving sick people. And the cisterns were built around the caravanserai and are intended for storing water. They were built not only on the banks of major trade roads, but also in villages and large cities and served to prevent a shortage of drinking water. They were built not only on the banks of major trade roads, but also in villages, as well as in large cities and served to prevent a shortage of drinking water.

Index Terms: Bukhara khanate, architecture, construction, caravanserai, rabbits, sardobis, Abdullahan, Karshi, Darband Raboti, Malik Mirzachul, Urtachul, Farish, Ancient trade routes, Great Silk Road, trade relations

Долзарблиги. Мустақиллик даврида миллий давлатчилик анъаналарини қайта тиклаш халқимизнинг моддий ва маънавий мерос намуналарини холис ўрганиш имконияти туғилди. 16 -19 асрларда қурилган кўплаб работлар карвонсаройлар ва сардобалар меъморий иншоот сифатида алоҳида аҳамиятга эга .Карвонсаройлар работлар ва сардобалар чўл ҳудудларидаги савдо йўллари ёқалаб қурилган. Бухоро хонлигидаги меъморий анъаналарга мурожаат этарканми, бу ҳудудда алоҳида меъморий анъана мавжуд бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Работлар қурилишида пишиқ гиштлардан фойдаланилиб, устида қуббасимон шакл берилган. Ҳаёт манбаи ҳисобланган сувни ўзида сақлаб турган сардобалар эса цилиндр шаклида ердан юқорига қараб тўғри терилиб сўнг диаметри қисқартирилиб, ёғочсиз гишт билан ёпилиб гумбаз шаклини олган. Бугунги кунда аждодларимиз томонидан яратилиб кетилган ушбу архитектура ёдгорликларини асраб авайлаш барчани ҳайратга солиб келаётган ёдгорликлар билан танишиш уларга алоқадор тарихий манбаларни замон талаблари асосида тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик тизимлилик холислик тамойиллари шунингдек, муаммога цивилизацион ёндашув ҳамда қиёсий таҳлил усуллари асосида ёритилган. Мазкур мавзу юзасидан эълон қилинган материаллар аксарияти хронологик жиҳатидан солиқ Иттифоқ даврига тўғри келади. Бухоро хонлигидаги архитектура иншоотларининг қурилиши жуда кўп тадқиқотчиларнинг асарларида ёритилган. Жумладан Г.А.Арандоренко, Л.И.Ремпель, А.А.Семенов, В.В.Бартольд, М.Е.Массон, З.А.Аршавская, Э.В.Ртвеладзе, З.А.Хакимов, Н.А.Маев, А.Р.Мухамеджанов, Ш.Т. Одилов, Р.Г.Мукминова асарларида ва хорижий саёҳатчилардан А.Бёрнс кундаликларида ўз ифодасини топган.

3.Тадқиқот натижалари:

Бухоро хонлиги ҳудудида қурилган иншоотлар тарихига назар ташлар эканмиз, Шайбонийлар сулоласи вакили Абдуллахон номи билан бевосита алоқадор қатор архитектура иншоотлари тарихи ҳам бундан мустасно эмас. Унинг номи мамлакатимиз тарихида XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўлган. Феодал тарқоқлик ва ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро жанжал ва низолардан унумли фойдалана билган Абдуллахон тахт сари дадил ҳаракат қилди. Ҳокимият учун олиб борилган ушбу ҳаракатда Абдуллахон энг аввало Жўйбор шайхларидан Хўжа Ислон кейинчалик унинг ўғли Хўжа Саъадларнинг қўллаб-қувватлашларига таянди. Тарихда бу хон Абдуллахон II номи билан машҳур. У узоқ вақт отаси Искандархон номидан давлатни бошқариб борди(1560-1583). 1583 йили отасининг вафотидан кейин у расман хон деб эълон қилинди. У узоқ ҳукмронлик фаолияти давомида давлат чегараларини кенгайтирди.

Абдуллахон ҳукмронлиги (1583-1598) даврида мамлакат иқтисоди барқарорлашди, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, ташқи ва ички савдо ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Бутун мамлакат ҳудудида кўплаб карвонсаройлар ва сардобаларнинг қурилиши бевосита унинг номи билан боғлиқдир.

Тарихий ҳужжатларнинг бирида Абдуллахон ҳукмронлиги даврида 400 та сардоба қурилган ва таъмирланган дейилса, бошқа бир ҳужжатда эса бу сон 1000 та кўрсатилади [1,Б.247]. Абдуллахон сардобаларини ўзи тўхтайдиган жойларда, работларни эса тунаш имкони бўлган жойларда қурдирган. А.Бернс ўзининг XIX

аср ўрталарида Ўрта Осиёга қилган саёҳати давомида Абдуллахон тўғрисида жуда кўплаб халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олган. Жумладан, у халқ орасида Абдуллахоннинг Маккага қандай қилиб ҳажга бориб келганлиги ва унга ҳаждан қайтгач "ҳали Оллоҳ йўлида" ҳеч нарса қилиб улгурмаганлигини бўйнига олганлиги ва шундан кейин Абдуллахон Оллоҳнинг меҳрини қозониш учун ўз мулкининг турли ҳудудларида турли қурилишлар, карвонсаройлар ва сардобалар қурдирганлиги тўғрисида ҳам ривоятларни ёзиб олган. Работлар қурилиши худди масжид қурилиши сингари жуда катта савобли иш ҳисобланган [2, Б.203]. Абдуллахон томонидан жуда кўп савобли ишлар амалга оширилганлиги тўғрисида кўплаб эсдаликлар ёзилган. Ҳақиқатан ҳам Бухоро хонлиги ҳудудида кўпчилик карвонсарой ва сардобалар унинг номи билан аталган [3,Б.38]. Қаршидан Дарбандга борадиган йўлда иккита работ - Оқработ қишлоғи ва Дарбандда Абдуллахон карвансаройи мавжуд бўлиб, XIX асрга келганда улар ярим хароба ахволга тушиб қолган эди [4, Б.145-148]. Шунингдек, Чоршанба бекати ёнида ҳам Абдуллахон номи билан аталувчи карвонсарой ва сардоба мавжуд [3, Б.34-бет]. Сардобалар қурилиши работлар қурилиши билан узвий боғлангандир. "Абдуллонома" асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий ўз асарида Қоровулбозор ҳудудида работ қурилганлигини Абдуллахон даврининг таниқли кишиларидан бири Кулбобо Кўкалдош номи билан боғлаб кўрсатади.

Работ - сўзи арабча бўлиб, "мустаҳкамланган қароргоҳ", "карвонсарой" деб таржима қилинади. Работ Марказий Осиёда архитектура иншооти сифатида араб ҳукмронлигидан сўнг пайдо бўлди. Дастлаб улар босқинчиларнинг ҳарбий лагерлари сифатида, кейинчалик савдогарлар тўхтаб ҳордиқ чиқарадиган муҳим иншоотларга айланган шунингдек беморларга ҳам хизмат курсатган. Масалан Қарши йўлида қурилган Абдуллахон работи яқинида таркибида олтингугурт булган булоқ бўлган. Жуда кўп беморлар келиб шу сувдан даво топган [11, Б.184].

Савдогарлар шаҳри ҳисобланган қадимги Пойканд харобаларида ҳам кўплаб работ қолдиқлари қазиб топилган бўлиб, ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда, бу ерлада минглаб работлар мавжуд бўлган. Бу работлар тинчлик даврида карвонсаройлар вазифасини бажарадиган бўлса, уруш даврида кучли истеҳкомларга айлантирилиши мумкин бўлган [5, Б.24]. Меъморий лойиҳасига кўра олдинги работлар меҳмонхона кўринишидаги бинолардан иборат бўлиб, улар бир хил ҳажмдаги хоналар ва йўлаклардан иборат бўлган. IX-X асрларга тааллуқли Пойканддаги работлар бир хонали ва уч хонали турар жойлардан иборат бўлганлиги, шунингдек, омборхоналари, хайвонларни сақлаш учун махсус хоналар бўлганлиги аниқланган.

Ушбу қурилишнинг режалаштириш қоидалари Ўрта асрнинг сўнгги босқичига қадар ривожланиб борган ва классик жиҳатдан ўз якунини топган бўлиб, у нафақат бир-бирига мазмун хусусияти жиҳатдан яқин бўлган ҳашаматли бинолар-карвонсарой, мадраса, хонақоҳ қурилишида балки оммавий уй-жой қурилишида ҳам асос бўлиб хизмат қилган [5, Б.147].

Буюк ипак йўли ёқасида юзага келган кўп турдаги меъморий иншоотлардан яна бири - сардобалардир. Профессор З.Чориев "Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати" китобида: "Сардоба - қудуқ ёки ҳовуз устига пишиқ гиштдан баланд қилиб, гумбазсимон шаклда қурилган иншоот. Ичига зиналар орқали тушилган. Ҳаво айланиши яхши бўлгани учун жазирама иссиқда ҳам сардоба ичи салқин, суви эса ниҳоятда муздек бўлган. Сардобалар асосан карвон йўлларида қурилган", деб ёзади [6, Б.198].

"Сардоба" сўзи икки ўзакдан "сард" - совуқ, зах, нам ва "об" - сув сўзидан ташкил топган. Сардоб сўзи - "совуқни сақловчи ғор, муз уй", "салқин хона" маъноларини англатган. Сардоба сувни сақлаш учун мўлжалланган. Улар нафақат катта савдо йўлларида бўйида, балки қишлоқларда ҳам, катта шаҳарларда ҳам қурилган ва ичимлик суви танқислигини бартараф қилиш учун хизмат қилган. сардобаларнинг кўриниши катта цистерналарни эслатади. Одатда, ерда катта бўшлиқ ҳосил қилиниб, унинг атрофини обдон куйдирилган ғишт билан териб чиқишган ва устини куббасимон қилиб бекитишган. Уларга сув махсус жилғалардан ёки каналлардан оқизилган. Сардобалар сув манбаига қараб бир неча гуруҳга бўлинади. Баъзилари ёмғир сувларига, баъзилар оқиб турган сув, дарё, канал сувларига мўлжалланган. Шунингдек, тупроқ ва кориз сувларига мўлжалланган сардобалар ҳам мавжуд бўлган.

Сув сақлашга мўлжалланган меъморий иншоот бўлган сардобалар оқар суви бўлмаган чўл ҳудудларидаги савдо йўллари ёқалаб қурилган. Сув билан таъминланиш жиҳатидан сардобалар бир неча гуруҳга бўлинади. Айримлари ёгин-сочин ҳисобидан сув тўплашга мосланган бўлса, иккинчи гуруҳ сардобаларга дарё ва каналлардан сув олиб келиниб тўлдирилган. Ерости сувлари ва кориз тизими орқали сув тўплашга мосланган сардобалар бўлгани ҳам маълум.

Ўтмишга назар солсак, археолог олимлар Марказий Осиёдаги энг қадимги сардоба Кушон подшолиги даврига тегишли эканлигини аниқлаганлар. Шимолий Афғонистон ҳудудида (Бақтрия давлатига тегишли ерлар), хусусан, қадимги Дилбарчин (Дилбаржин) шаҳри атрофида қазиб ўрганилган иншоот энг қадимги сардобалардан ҳисобланади.

Илк ўрта асрларда (V-VII асрлар) гарчанд савдо, айниқса, халқаро савдо ривожланган бўлсада, ҳанузгача бу даврга оид сардобалар археолог-олимлар томонидан қайд этилмаган.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда маҳаллий туркийзабон сулолалар ҳукмронлиги (қорахонийлар, ғазнавийлар ва салжуқийлар ...) даврида ўзига хос услубда яратилган бир қанча сардобалар сақланиб қолган. Булар Жанубий Туркменистон ҳудудидаги Марв ва Амул (ҳозирги Чоржўй), Қорақум чўлидаги ат-Таҳмалаж, Карки ва Қизилоёқ савдо йўлидаги Эшкак, Хоразмдаги Оқяйла ва Талайхон ота (қадимги Узбой ҳавзасида) сардобаларидир.

Мовароуннаҳр ҳудудида мўғуллар истилоси давригача мавжуд бўлган сардобалардан бири Фориш яқинидаги чўлда сақланиб қолган. Одатда, бу давр сардобалари карвонсарой (работ)лар билан ягона иншоотни ташкил этган ёки ёнма-ён барпо этилган. Масалан, Фориш яқинидаги Калтепа карвонсаройи таркибидаги сардоба 11.5 метрли усти гумбазсимон услубда ёпилган иншоот бўлиб, у карвонсаройдан 30 метр нарида қурилган.

Мовароуннаҳрнинг мўғул кўшинлари томонидан эгалланишига қадар қурилган сардобалардан яна бири машҳур Работи Малик карвонсаройи таркибидаги сардоба эканлиги олимлар томонидан аниқланди. Работи Малик карвонсаройидан 150 метр олисдаги сардоба дастлаб X асрда қурилиб, XI асрда қайта таъмирланган. Айни шу сардоба ҳақидаги маълумотлар орқали биз ушбу иншоотларнинг қай йўсинда бунёд этилгани, унда сақланадиган ичимлик сувининг умумий ҳажми ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. сардоба - диаметри қарийб 13 метрга яқин, чуқурлиги 11 метр сув тўпланадиган гумбазсимон хона ва унинг шимолий тарафига ўрнатилган кичик пештоқли эшикдан иборат бўлган. Сардобанинг ўша давр иншоотларига хос томони - узунлиги 24-27, қалинлиги 4-5 сантиметрли пишиқ

ғиштлардан қурилганлигидир. Сардоба қурилишида ёғоч ишлатилмаган. Работи Малик карвонсаройида тадқиқотлар олиб борган мутахассислар фикрича, айна шу ҳажмдаги ғиштлардан карвонсарой қурилишида ҳам фойдаланилган. Бу каби далиллар асосида мутахассислар карвонсарой ва сардобанинг бир пайтда қурилгани ҳақидаги хулосага келганлар. Сардоба гумбази эса, меъморшунос-тарихчилар фикрича, сўнги ўрта асрларга (XVI-XIX асрлар) тааллуқлидир. Чунки савдо йўлида алоҳида ёки карвонсаройлар мажмуасида бунёд этилган сардобалардан жуда узоқ муддат давомида фойдаланилган.

Сардобалар асоси жуда мустаҳкамланган. Ички қисми асосини қуришда алебастер ва кул таркибли махсус қоришмалар ишлатилиб, ғишт ва тошлар терилган. Бунда тўпланган сувнинг ерга сизиб кетмаслиги, қолаверса, сувни айниб қолишдан сақлашга катта эътибор қаратилган. Сардобаларга махсус қувурлар ёрдамида сув олиб келинган ва ортиқча сув ҳам айна шу йўсинда чиқариб турилган. Қуёш нури тушган вақтда ҳароратни бир хилда сақлаш учун кун чиқар(шарқ) ва кун ботар (ғарб) томонларига туйнуқлар қуйилган. Шамол кун чиқар томонга эсан. Сардобага сув кириши учун ёнларидан тешик дарчалар очилган. Қурғокчилик йилларида махсус ариқ казилиб, сув келтирилган. Иншоот эшиги ёнидаги нов чорва молларини суғоришга хизмат килган [8, Б.168].

Архитектор-мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, Мовароуннаҳр ва Хуросонда мўғуллар босқини арафасида мавжуд сардобаларнинг энг йириқларида бир юз эллик минг кубометргача сув тўпланган.

XIII асрнинг 20-йилларида Мовароуннаҳр ҳудудининг Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинлари томонидан истило қилиниши шаҳар маданиятини, шу жумладан, ички ва ташқи савдо йўлларидаги сардобалар билан боғлиқ сув таъминоти системасини батамом издан чиқарган. Халқаро савдонинг Темур ва темурийлар даврида юксак даражада ривож топиши бу йўллар бўйида яна кўплаб сардобаларнинг бунёд этилишига, мавжудларининг қайтадан таъмирланишига катта туртки бўлди.

XV асрдан сўнг шайбонийлар сулоласи ҳукмронлигида ва ундан сўнг ҳукмронлик қилган сулолалар даврида ҳам, айниқса, Абдуллахон II даврида (1583-1598) кўплаб иншоотлар, шу жумладан, сардобалар қурилди. Гарчанд бу даврда Буюк ипак йўли халқаро савдо йўли сифатида ўз аҳамиятини йўқотган бўлса-да, Мовароуннаҳрда ички ва ташқи савдо муҳим аҳамият касб этиб борарди.

Археологлар Мирзачўл ва Қарши чўлида кўплаб сардоба харобаларини колдиклари мавжудлиги хақида маълумот берадилар.

Кўплаб сардобалар қолдиқлари Мирзачўл ва Қарши чўлининг қадимги савдо йўлларида мавжуд. Ўртачўл саҳросида эса Қоровулбозор қолдиқлари билан бирга сардоба ҳам бўлган. Бу сардоба тугрисида А.А.Семенов "Материальные памятники арийской культуры"маколасида ҳам маълумотлар келтиради [12,Б.141]. Улар ўзининг ташқи қурилишига қараб баъзан "сарой" деб ҳам аталган. Сардобанинг кириш қисми аркли пештоқлар билан безатилиб, у орқали йўлакда катта ва кенг ҳовузга кириб борилган.

Йўлакда ойналари бор хоналар ҳам мавжуд бўлиб, у сардобада хизмат кўрсатадиган ходимлар учун мўлжалланган. Сардоба хоналарининг диаметри 15.8 м, чуқурлиги 8.1 м.дан иборат. Қуббаси баландлиги 6.35 м ва 9 та ойна билан бўлиб қўйилган. Қоровулбозордаги сардобага сув Қашқадарё дарёси оқимидан олиб келинган. Саҳро йўли бўйлаб боришда Амударёнинг Керки кечувида Абдуллахон даврига мансуб бир қатор карвонсарой ва сардобалар қайд этилган.

Булар Сангисулоқ, Нишон, Толгида ҳам боримаржон, Юсуф, Ўроз каби сардобалардир. Шунингдек, Абдуллахон номи билан боғлиқ сардоба ва работ Чоршанба бекати ва ўша номдаги карвонсарой харобалари яқинида ҳам мавжуд. Ушбу сардобанинг сув ҳавзаси диаметри 12.5 м, қуббасининг баландлиги 10 м.дан иборат. Бундай сардобалардан бири Қамаша қишлоғида ҳам бор. Сардоба цилиндр шаклида ердан юқорига қараб туғри терилиб сунг диаметри кискартирилиб ёғочсиз гишт билан ёпилиб гумбаз шаклини олган. Унинг ташки қисми диаметри 18,3 метр, ички қисми 16 метрни ташкил этган. Иккинчи сардоба Ҳамза Ҳўжақулов номи давлат хўжалик ҳудудида жойлашган. У равоки сув сақланадиган чуқурликкача олиб борадиган айланма зиналар билан тўла сақланиб қолган. Пештоқига битилган русча ёзувлар сардоба 1892 йилда қурилганлигидан далолат беради [8, Б.169]. Бу иншоот қолдиқлари қадимги савдо йўллари йўналишларига ишора қилади.

Шунингдек сардобалар қурилиши Амир Насрулло(1827-1860)даврида ҳам давом этганлигини кўрамыз. Унинг даврида Какир сардоба қурилган.

Савдо йўллари Ўрта Осиё шаҳарларини Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон маркази билан, шимолда Сирдарё қирғоғида шаҳарлар, қозоқ чўллари энг чекка жойлари билан ўзаро боғлаб турар эди. Бу савдо йўллари ва уларнинг мавсумий тармоқлари рус ҳарбий муҳандислари томонидан чуқур ўрганилган ва шарҳланган. Жумладан, Н.А.Маев томонидан Бухоро хонлигидаги йўллар, у ердаги алоқа бекатлари таърифланиб, улар оралиғидаги масофаларнинг аниқ ҳисоби кўрсатилган [5, С.87]. Абдуллахон даврида савдо йўллари янада яхшилаш ва ободонлаштириш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилган. Бутун мамлакат ҳудудида карвонларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш давлат томонидан қафолатланган. Айнан Абдуллахон ҳукмронлиги даврида Бандихонсой устида, аҳоли ўртасида Искандар кўприги номи билан машҳур бўлган катта гишт кўприк ёхуд тош кўприк қурилган. Бу кўприк Термиз ва Чоғаниённинг муҳим савдо йўлида жойлашган. Кўприк тўла-тўқис пишиқ гиштдан ясалган. Унинг умумий узунлиги 70 метрдан ортиқ бўлиб, ўтадиган қисмининг кенглиги 5.75 метр ва аркининг баландлиги 5.8 метрдан иборат [6, 75-бет].

Абдуллахон ҳукмронлиги даврида Россия билан савдо алоқалари қизғин ривожланди, бунда пахтадан тайёрланган матолар асосий роль ўйнаган. Одатда, феодал ер эгаларига қарашли бўлган савдо карвонлари бир неча 100 туялардан иборат бўлган. Самарқанд ва Бухорога форс, араб, турклардан иборат кўплаб чет эллик савдогарлар тижоратга келиб туришган. Бухорода ҳинд савдогарлари ва ижарачиларининг махсус маҳаллалари мавжуд бўлган. Бухоро ва Самарқанд бозорларига вақти-вақти билан европаликлар ҳам келиб туришган [7, Б.124-бет]. Бу ердан катнаб ўтиб турган карвонлар олис Хитой, Ҳиндистондан Самарқандгача, Самарқанд ва Бухородан Афғонистонгача, Россиядан турли шарқ мамлакатларига йўл олган.

4. Хулосалар

Хулоса қилиб айтганда, қитъалараро савдо алоқаларида денгиз йўли очилганидан кейин ҳам, ўрта аср Мовароуннаҳри ушбу йўналишда ўз мавқеини сақлаб қолди. Бу айниқса Ўзбекистон тарихининг муҳим саҳифаларидан бири ҳисобланган Абдуллахон ҳукмронлиги даврида яққол кузатилади. Савдо-сотиқ ривожидида муҳим ўрин тутган работ ва сардобалар асрлар давомида аждоқларимизнинг меъморчилик борасидаги санъати бетақрорлигини намойиш қилиб келган. Уларни ўрганиш, авайлаб асраш ва сайёҳлик, айниқса халқаро туризм мақсадида фойдаланиш

бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1.Арандаренко Г.А. Досуги в Туркистане 1874-1889. -С.Петербург.1889.247 -стр (Arandarenko G.A. leisure in Turkestan 1874-1889. -St.Petersburg, 1889.247-p.).

2.Бартольд В.В. История культурной жизни Туркистана //Соч. Т. 2, ч. 2. -М., 1963.203-стр.(Barthold V. V. History of cultural life of Turkestan / / Op. Vol. 2, CH. 2. -M., 1963.203-p.).

3.Массон М.Е. проблема изучения цистерн-сардоба. МатериалыУзкомстариса, Вып. 8. Ташкент, 1935,38-стр (Masson M. E. the problem of studying Sardob tanks. Materials Outcastes, Vol. 8. -Tashkent, 1935.38-p.).

4.Маев Н.А. материалы для статистики Туркестанского края. Вып. 5, СПб, 1879.145-148 -стр (Mayev N. A. materials for statistics of the Turkestan region. Vol. 5, -St. Petersburg, 1879.145-148-p.).

5.Мухамеджанов А.Р., Одилов Ш.Т. ГородищеПайкенд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. -Т., 1988.24-стр (Mukhamedjanov A. R., S. T. Adylov The Settlement Paikend. On the problem of studying the medieval city of Central Asia. -T., 1988.24-p.).

6.Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. -Тошкент: Академия, 2002.198-бет (Choriev Tarikh familarising kiskachi izohli lugati.-Tashkent: Academy, 2002 yil.198-bet.).

7.Аршавская З.А. Архитектурные памятники. Каталог // Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. -Т., 1983.75-стр (Arshavskaya Z. A. Architectural monuments. Catalog // Arshavskaya Z. A., Rtveldadze E. V., Khakimov Z. A. Medieval monuments of Surkhandarya. -T., 1983.75-p.).

8.Мукминова Р.Г. Внутренняя и внешняя торговля // История Узбекистана. - Ташкент, 1993.124-стр. (Mukminova R. G. Internal and external trade / / History of Uzbekistan. -Tashkent, 1993.124-page)

9.РавшановаН. Қашқадарё воҳасидаги сардобаларнинг курилиш тарихидан.Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни.Илмий-назарий конференция материаллари.-Қарши-2008.168-169 бетлар. (Ravshanovan.From the history of the drying of the captains in the time of kashkadarya.The urni of Nasaflik scholars in the Dakhan culture.Materials of the scientific-theoretical conference. -Garshi-2008.168-169 p.)

10.Семенов А.А. Материальные памятники арийской культуры. - Таджикистан.Сборник статей с картой под редакцией члена общества Н.Л.Корженевского. -Ташкент,1925.141-стр. (Semenov A. A. "Material monuments of Aryan culture" Tajikistan.Collection of articles with a map edited by a member of the society N. L. Korzhenevsky. -Tashkent, 1925.141 p.)

11.Сборник географических топографических материалов по Азии выпуск LVII/(57) Издание Военного -Ученого Комитета Главного Штаба. - С.Петербург.Военная типография (В здание Главного Штаба).1894.184 -стр (Collection of geographical topographical materials on Asia issue LVII/(57) Publication of the Military-Scientific Committee of the General Staff.St. Petersburg.Military printing house (in the building of the General Staff).1894.184-page).

12.Ремпель Л.И. Далёкое и близкое .Бухарские записи. -Ташкент: Гафур Гуляма, 1981.171-стр (Rempel L. I. Far and near.Bukhara records.So After Gafur Gulyam.1981.171-page).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000